

Тилак Жўра

ЮЛДУЗЛАР ТАБАССУМИ

Шеърлар

Ҳажалимов Эмонора.
С искренней признательностью
18.08.81. Л. Жўра

Тошкент


Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1981

84(54) Бадиий адабиёт
Уз
Ж 96
Шеърлар

10 31987

Тақризчи
Филология фанлари кандидати

НАЖМИДДИН КОМИЛОВ



Жўра, Тилак. Юлдузлар таълимуни. Шеърлар.—Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.—96 б.

Тилак Жўра шеърий итхосмандларига «Райҳон» (Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977 й.) ва «Олам остонаси» («Ёш гвардия» нашриёти, 1980 й.) номли шеърий тўпламлари орқали яхши таниш. Маъзур маъмурага шоърининг инсон ва инсонийлик, меър ва оқибат, ватан ва инсон тақдири, меънат ва роҳат ҳақидаги шеърлари кири-тилди.

Джура, Тилак. Улыбка звезд.
Стихи.

Уз 2

Д $\frac{70403 - 158}{M352 (04) - 81}$

51 — 81 4702570200

© Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1981 й.

* * *

Дунёнинг деразаси очиқ:
офтобга,
ойга,
юлдузга,
юралка.
Офтоб — уйғотар дунёни.
Ой — ёритар.
Юлдуз — дунё деворида бир сурат.
Юрак-чи?
Юрак —
офтобни,
ойни,
юлдузни
 ўғирламоқ истаб,
дераза олдида турибди... тинчраб.

1977

* * *

Қизил гулдай тутай сенга ўзимни,
Юрагингни олгандай олгин қучоқлаб!
Сайётимнинг¹ мовий сийнасида учаётган
момиқ капалаклардай эркала!

Мен,

бир тола майса бўлиб ўсмоқ истайман, севгилим,
Шўрхок ердай тўзғиб ётган миянгда,

бир дона шабнамни эркаламоқ учун...

• Ҳеч бўлмаса,

Бир лаҳза

Фаридиддин Аттор айтгандай,

Гавдам билан ёпмоқ истайман,

дўзах дарвозасини!

Меннинг бу хаёлларимдан

кимдир кулар,

кимдир йиғлар.

Мени бу дунёда

кулдирганлар кўп,

йиғлатганлар кўп,

¹ Қишлоқнинг номн.

Аммо

ўлдирган битта:

Ўз умидим,

Ўз умрим!

Ҳеч бўлмаса,

Бир лаҳза,

сенинг кулишинг учун,

сенинг йиғлашинг учун,

Севинч

ҳасрат бўлиб, ўлмоқни истайман!

1979

ТЕНГДОШЛАРИМГА

Умр ҳам ўтди ўттиздан,
Саратон чўғидай ловиллар бадан!
Саратон чўғидай қизса ҳам бадан,
Ҳамон хаёлларнинг гирдобидаман.
Қимлардандир нолиб

оз-оз отамиз,

Пешонани ишқаб, гаплар сотамиз.
Умр қоқади қанот,

яраланган қушдай бенажот!

Шунда типирчилар кекирдак:

«Поезддан кечикдик, самолётда учамиз!»

Бас!

Ўйлайвермоқ қачонгача, ахир?

Ўргимчакдек тўрда яшамоқ оғир?!

Қани, офтобдай сочайлик юрак тафтини,

Саратонда тарс-тарс ёрилгандай кўкча,

Сув ва пурдаи ёрилгандай замин,

Ёрилсин

бўғзимиз,

қўлимиз

Меҳнатнинг бегубор нафаси билан!

1979

САХИИЛИК

Бунча ҳам меҳрибондир турналар бизга:
Баҳорни бошлаб келади.

Бунча ҳам меҳрибондир турналар бизга:
Кузни ҳам ташлаб кетади.

1979

СЕВИНЧ

Олисдан келдим:
на отда,
на пиёда.

Келдим:
лабларингга қўниб,
кўзларингга қўниб,
ёногингда ёнгани
зиёда

1978

САРАТОН

Чайлага осигдиқ чакки халтадан
Чак-чак томади
Сарғиш томчилар.

Чайлага суянган катда
Чол мудрар
Сочиқ-ла ҳавони елпиб.

Бутун полиз мудрар, —
Итнинг қулоғидай
Палакларнинг барги осилган...

1980

ЕЗ КЕЧАСИ

Севгилим,
Сенинг зарҳал тарағингми
Ойнинг янги ўроғи?
Бу кеч у
Тўлқинларга

қоқила-қоқила,

Олма қувлаб оқади.

Ишқимизни

Кўзларга,
Сўзларга,
Дарёларга,
Денгизларга
Чироқ қилиб ёқади.
Ойнинг янги ўроғи...

1975

ПИШИҚЧИЛИК

Бахтдан кўзлари қамашиб,
Атлас кўрпаларни иякка торғиб
Кўзларини хиёл юмиб
Ётибди эркак ва аёл,
Бахтдан кўзлари қамашиб...
Ташқарида:
Тонгнинг элчилари — қушлар,
Тинмай чуғурлар;
У шохдан бу шохга қўниб,
Тонгнинг элчилари — қушлар
Тинмай чуғурлар;
Жавдари хирмон шаънига,
Тин-тиник осмон шаънига,
Хиёл кўзларини юмиб ётган,
Бу икки инсон шаънига
Қушлар тинмай чуғурлар...
Эркак ва аёлга қўшни ҳонада,
Келажак элчилари — бир этак болакай,
Қушлар каби чуғурлар,
Хонанинг у бурчидан
бу бурчига чопқиллар,
Жажжи қўлчаларда бурда нон,

Қушлардай чуғурлар:
Қўлидаги нон шаънига,
Тип-тиниқ осмон шаънига,
Хиёл кўзларини юмиб ётган,
Бу икки инсон шаънига
Бир этак болакай қушлардай чуғурлар..
Тонгининг элчилари қўшиғидан,
Келажакнинг элчилари қўшиғидан
Маст бўлиб,
Бахтдан кўзлари қамашиб,
Атлас кўрпаларни някка тортиб,
Хиёл кўзларини юмиб
Ётибди эркак ва аёл,
Бахтдан кўзлари қамашиб..

* * *

Бу кеч: ойжамол,
Деразангдан
Тушган
Бир парча нур —
Оламга татир.
Нурнинг ярми
Деразангдан соянг тушган
Сойда..
Ярми — ●
Деҳқон тўнининг баридай
Бир парча ерда.
Сойда: тангали, тангасиз
Балиқлар,
Балиқчилар .
Шу бир парча нур остида
Кўкка отилар.
Ерда майсалар шитирлайди,
Нур титрайди.
Қўнғизлар ҳашти ҳайдайди,
Капалаклар қўнади, учади,
Гоҳ нурни,
Гоҳ тушни қучади.

Сойда...

Сойда пайдо бўлар яна бир соя,

Иккинчи соя,

Ва кечанинг ранги ўчади...

1974

НАВО

Сой бўйида ўлтирар йигит,
Нигоҳини, тортар оқин сув.
Тўлқинларда ўйнайди умид,
Хаёлининг уфқида сулув.

Туйғударда қувнаб оқади,
Шайдо бўлиб ёр жилвасига
У қалбини сувга очади,
Илинсин деб ёр кўзасига...

1975

* * *

Келганида гул баҳор
Қалдирғочдай ўйноқи,
Қалбимга киргандинг, ёр..
Ёниб кўнгил чироғи,
Тўлишарди ҳилолинг,
Ишқинг ҳали фироқсиз.
Келмайин ўткинчи куз
Кетиб қолдинг сўроқсиз.
Ўйлайманки, бир куни
Қалдирғочдай қайтарсан,
Унда қалбим берк бўлар,
Қишда қолиб кетарсан.

1973


* * *

(ҲАЗИЛ)

— Емғир ҳам ёғар майда,
Қийим-бошим жиққа ҳўл.
Қизгина, ётоқ қайда,
Кўрсатсанг-чи менга йўл?

— Емғир ҳам ёғса майда,
Қовуштириб турма қўл.
Йигитча, отни ҳайда,
Ётоқдан нарида йўл!

1977



* * *

Кўм-кўк майсаларни,
Кулган юлдузларни:
Дарёни,
 сахрони,
Севаман ёниб!

Майсалар,
Юлдузлар,
Дарёлар,
Саҳролар сенар
Севгувчи юрагимни!
Бизлар бир вужудмиз,

ялакат мағиз.

Орага суқулма,
сен — сассиқ қўнғиз!

1979

Ю Р А Қ

Бир қушчадай типирчилаб,
Бир қушчадай сайрай олмасанг —
Мени қийнаб нима қиласан?!
Уттиз йилки сени кўтариб,
Кўп юрдим бу олам аро!
Армонларга умримни бериб,
Умидлардан кўп бўлдим жудо.
Унг қўлин ҳилол қилиб,
Қулоққа тутиб,
Юрагини тинглар эди устоз Миртемир:
«Менинг ўзбеки юрагим!»
Қўмсайман устоз овозин.
Не бўронларда ҳам,
У чалиб келган софликнинг созин.
«Менинг ўзбеки юрагим!»
Ажриқдай илдиз отдинг бағримга,
Илдизларни асраган заминдай,
Сени асраб келаман мен ҳам,
Саратону қаҳратонлардан.
Офтобни олқишлаган чумчуқ сингари,
Тинмайин чуғурла бўғзимда:
Бу чаман боғларнинг латофатини.

Офтобга айтгандай айтиб ташаккур!
Чуғурла:

Тоо деҳқонимнинг бахтини!
Паҳса деворга чирмашиб,
Йўлга гул тутган ошқовоқ каби,
Чирмаш қуёшнинг нурига!

Агар,
Ҳасратимни айта олмасанг,

Агар,
Севинчимни айта олмасанг,
Агар,

Ўкинчимни айта олмасанг,
Бир қушчадай чуғурлаб
Ниятимга ниятлар улаб.

Агар...

Унда,
Бағримдан юлиб отаман,

Чиқариб пучакка —

Зотан, йўлдош эмас

Ундай юрак —

Жўра ўғли Тилакка!

1980

СУРАТ

Мен сурат чизяпман..
Мурғак хаёлимда қолган

мурғак лавҳа:

Ерга умр тамғасин босган
Отамнинг ўрнига
Тизимни тилиб ишдан қайтганим,
Қоратолнинг куртагидай

кўқарган тирноғимни

Пешонамга ишқаб,

қоратолнинг соясида ётганим.

Онам..

Ғўзаларнинг ҳиди кўчган,

Бир оёғина ранги ўчган

Оқиш рўмолин буғдой ранг

юзимга ёйгани;

Мен отамдай,

Қоратолнинг соясида

ажриқнинг юлдузли толасин тишлаб

Ёнбошлаб ётганимни кўргани;

Онамнинг

Узоқ аза, азобдан сўнг,

Чуқур кўзларига,

Сўлгин юзларига

табассум келганини;

Уша оқишроқ рўмолдай,

Оқишроқ қоғозга

Нопармон бўёқда

Шу лавҳани бир умид билан

Чизяпман...

Мен сурат чиздим.

1976

ВИСОЛ

У қушга ўхшайди,
Ё тушга —
Менинг бағримда кечади,
Олис осмонимда
қушдай учади!

У қушга ўхшайди,
Ё тушга?!

У — буюк шарпади,
Сендан қочади у,
Мендан кечади...

1980

Ё М Ё И Р

Қамчилайди кулбамни ёмғир,
Кеча-кундуз қилар дағдаға.
Йўқ-йўқ, осмон дон тўла ғалвир,
Ерга меҳрин айлар садаға.

1969

* * *

Балки кўнгли қабағиб,
Балки ёниб юраги;
Чопиб келди болакай
Тўлқин уриб тилаги.

Остонада юлдуздай,
Ичкарига мўлтиллаб,
Қуёши йўқ қундуздай,
Кўнгли ўксиб ўлтирар.

Остонадан бир қадам
Ҳатламоққа йўқ жузъат.
Ичкарида тунд, беғам, —
Катталар қурар суҳбат...

Ҳасратини айтолмай,
Айтолмайин севинчи,
Остонада болакай, —
Тишлаб турар ўкинчи!

1980

БАРЧИНОИНИНГ ҚУШИҒИ

Йўллардай тўлғониб, йўллардай ёниб,
Кимларнинг бағрига отай ўзимни?!
Ҳар саҳарда сарин елдек уйғониб,
Кимларнинг юзига босай юзимни?!

Осмонки, чарақлаб ҳолимини сўрмас,
Умримки, бир қатра нур учун нисор!
Кўзёшим кўрмайин бу дунё кўрмас,
Қайларда қолди у — мен кутган баҳор!

Сунбула ўтди-ю, чилла чирсиллар,
Кўксимда бир орзу тинмай ҳарсиллар,
Бедов отлар белим босиб гурсиллар,
Қайларда қолди — у мен кутган баҳор!

Баҳор дерман, унда ёрим бор эрур,
Мунглик кўнглим бу дам унга зор эрур,
Ёт элларда зулфим менга дор эрур,
Қайларда қолди у — мен кутган баҳор!

1979

* * *

Шукур Бурҳоннинг ҳовлисида
Бир туп хурмо дарахти ўсади.
У ҳар тонг ўтли ногоҳи-ла,
Хурмо гуллашини кутади.

Шотутнинг садафдай беғубор,
Маржондек ёнишини кутар!
Атиргуллар жилмаиб хумор,
Дилни чўғдай ёқинини кутар!

Тонгда титроқ тушларин ўйлаб,
Руҳ кўтара бошларкан исён;
Дунёни узугига жўйлаб,
Айлантиради Шукур Бурҳон!

«Қуёш бу тун қайларда ётди,
Нега бунча бўзара осмон!
Кимдир уни уч пулга сотди...»
Қуёшини кутади Шукур Бурҳон!

1979

ДЕҲҚОН ҚУШИҒИ

Елпинади буғдойзор,
Учқур тулпор ёлидай.
Шовиллаши хўп хумор,
Саратоннинг селидай.

Шовилласин буғдойзор,
Шовилласин дарёлар!
Қанча меҳр қўйсанг ҳам,
Индо бермас худолар...

Билсанг менинг худом ҳам,
Билсанг менинг нидом ҳам:
Шовиллаган дарёлар,
Шовиллаган бошоқлар.

Шовилласин буғдойзор,
Шовилласин дарёлар...

1979



Кўзларимнинг қорачиғи — қора ер!
Уни ўраб олган оқлик,
Еру кўкка сиғмаган пахталар.
Улар етаклар мени;
Ҳали кўплар англамаган,
 англаб етмаган —
Буюк келажак сари...

1979

* * *

Чақин урган дарахтнинг,
Болта чопган дарахтнинг
Ёп-ёлғиз илдизи ҳам
Ёрни қучиб ётади.
Ёп-ёлғиз илдиз каби
Биринчи муҳаббатим
Юратимга кўмилган.
Уни ҳеч урмас чақин,
Наки болта чопади!

1979

* * *

Уттиз беш фарзандли ёзув машинкам,
Ҳисларимнинг илкин сирдоши!
Тўлқинларга тўлиқ пещонанг,
Бирдамликнинг буюк тэмсоли.
Қайси бир фарзанднинг
Қайси бир бурчакдан ўтармасин бош,
Бир ният йўлида,
Бир нуқтага келиб эгилар,
Соатдай чиқиллаб,
Бир ният йўлида,
Бир нуқтага келиб эгилар
Сен тўғри йўллар чизиб

юра бошлайсан,

Уттиз беш фарзандли ёзув машинкам,
Менинг умидимга жуда ўхшайсан!

1980

ТҮЛҚИН

Дарё бўйдамап... Қанотли ўйлар,
Ўйноқи мавжларга рашк қилар юрак,
Тўлқинларга қараб хаёл сураман,
Йўқ! Қайтмайман, унга етаман,
Тўлқин билан курашгум ҳатто!
Ўзим тўлқин бўлиб кетаман.

1969

* * *

Соғиниб яшадим, соғиниб ўларман:
Юрагимни қўлга олмоқни;
Ойдин кечалардан минн бора равшан
Нурли бир иморат солмоқни.

Ток нартидай сенга чирмашиб,
Қучмоқни соғиниб ўларман,
Мўридаги тутундай шешиб,
Тўзмоқни соғиниб ўларман.

Соғиниб ўларман, соғиниб... Бироқ —
Ўлим мендан жуда ҳатти йироқ..

1980

Т О Н Г

— Шабнамларни эркаладим,
У ҳаяжондан қизарди,
 қизардим мен ҳам.
Бу ҳам етмагандай,
У мени бағрига олди
Ё мен уни олдим бағримга:
Иккимиз ҳам кетдим йўқолиб...

1980

МАРСДАН КЕЛГАН ОДАМ!

(Ф. Ҳ. Доғларжадди)

Наҳотки,
Марсдан келган бўлсанг!
Ватанингми ўша олис юлдузла?
Ватан бу шундай бир жойки,
Сен туғилиб ўсган гўша,
Истасанг, мен сенга ўз Ватанимдан
Сўзлай, кўрган-билганимдан:
Мана бу хасис бой, мана бу очкўз кимса,
Буниси бузуқ хотин, у ёқда кўрқоқ ўғри.
Кўриб турибсанки, аҳволимиз яхшимас сира!
Биз ўзимизни йўқотиб қўйдик XX асрда.
Айт-чи, қайси давр ҳокимдёр сизда?
Ҳей, марслик биродар, кўп иқин келма!
Билмайсанки бизда сени не кутар,
Ахир хавфли, хатарли нақадар
Ердаги бу оғизлар, бу қўллар...
Гапир, Марсда ҳам борми урушлар
Тоғлар бағрида ястанганми водийлар?

1 1950 йилларда матбуотда қандайдир Марсдан келган аппарат ерга яқинлашганлиги тўғрисидаги хабарлар пайдо бўлган эди.

Бил сизларми

Ўқишни, ёзишни

севишни, йиғлашни.

Онани оларкан энг сўнгги манзил,

Сизда ҳам ҳасрат-ла йиғларми ўғил?

Сизлар ҳам атом яратдингларми?

Оилада қанча фарзанд туғилар?

Уларни боқишга қодирми сизлар?

Ҳар бир юракдаги мусиқа ҳисси

Сукунат остида тўлғонадими?

Эй, марслик биродар, бунча яқин келма,

Кўзимдаги эзгулик шуъласига ишонма.

Балки, Исо пайғамбарни эшитгандирсан —

Қонли салибда кўкка кўтарилган.

Мен ёмон одамман, доимо ёлғиз,

Нам тупроқ олди бағрига

отамни,

қизимни,

Ҳаёт ва ўлимнинг фаҳмига етмоқ бўлиб,

Умидсизлик билан касал қилдим ўзимни.

Сўрадим самодан, пайғамбарлардан: — нечун?

Менга сукут билан жавоб берди қора тун?

Ерингиз гамини юмшоққина ўраб олган.

Муҳит борми сизларда ҳам, биродар?

Сизларнинг урушингиз тугар нима билан,

Сизлар топдингизми ҳудони?

Ечдингизми машъум муаммони?

Бунча яқин келма, марслик биродар,

Яхшиси нима қилайлик, ай шуни?
Бўлмаса бизни буткул адо қилар,
Шубҳа ва ёлгонлар тутуни
Менинг бир йилим — тўрт фасл,
Ёзим — жуда кўм-кўк,

қишим — жуда оппоқ.

Мудом, ёлгон сўзлайман, эилиб,
Баъзида нимадандир кетаман қўрқиб,
Гоҳ юраккинам қон бўлиб
Озаман ақлдан.

Урмининг сўнгигача яшаман хатолар-ла,
Ғамлар-ла,

Кучим адо бўлар бир бурла вон деб.
Шаҳарларим кенгаяр, ҳаво етишмас менга,
Саховатим титрайди шамоидаги япроқдай,
Ҳаётимнинг дарёси шимилди қумларга.
Бунча яқин келма, Марснинг ўғлони,
Нозик нигоҳимга ишонма кўп ҳам.
Тун зулмати қоплади ер ва самони,
Мен итдай очман.

У М И Д

(Маргар Маргарияндан)

Қўтарилиб уммонда бўрон,
Ғарқ бўлса гар биронта кема,
Довулларни енгмоқ-чун шу он
Йўлга чиқар кемадар яна:
Бор-ку, ахир, дунёда умид!

Нимадандир кўприк бузилиб,
Айри тушса гар икки қирғоқ,
Икки ёқда қолсак эзилиб,
Бундайин ҳол чўзилмас узоқ:
Бор-ку, ахир, дунёда умид!

Ўғлимизни узатсак жангга,
У қайтмаса беллар букилар!
Бардош бериб шунда ҳам ғамга,
Қўзларимиз йўлга термилар:
Бор-ку, ахир, дунёда умид!

Баъзан ишқ деб қиламиз хато,
Дуч келамиз бахт деб рўсга,
Лек, ҳаётга боқамиз шайдо,
Шайдо бўлиб келдик дунёга:
Бор-ку, ахир, дунёда умид!

УМАР ХАҲЕМ

Умридан тўрт қибла яратди,
Тўрт устун кўтарди рўйи жаҳона.
Кимни кулдирдию кимни йиғлатди
Тўрт уфқли кичик сайхона.

1977

М А Ш Р А Б

Кўкка қараб қўлин силтади,
Ерга қараб силкди этагин.
Иккисин ҳам кўзга беркитди,
У — дунё деб билди юрагин...

НОЗИМ ҲИКМАТ СУЗИ

— Орзу билан отади ҳар тонг,
Қайғум билан чўкади ҳар шом,
Орзуларим суронидан,
Қайғуларим бўронидан.

Оша-Ерининг оёнасига
Осмон бўлиб ёрилди,
Келажакнинг пешонасига
Имон бўлиб ёзилди..

Орзум билан отади ҳар тонг,
Қайғум билан чўкади ҳар шом.

• 1975

ЯННИС РИДОСНИНГ ҚАМОҚДАГИ ХАЕЛИ. 1968.

Кўп гапларни айтардим сенга,
Сен истаган ўша гапларни.
Сўзларимиз оларди алаиға,
Недир тутиб турмаса мани.

Тор келарди сенга ҳам кўкрак,
Қароқчилик қилмаса тишлар.
Сенга тўти бўлолмам, юрак,
Тишлар бизни айри этмишлар.

Ахир, бир кун ёриларсан сен —
Шамолларга айланар товуш!

1979

ҲАМИД ОЛИМЖОН

Кенг яғринли тоғлар бағридан
Илдиэ отиб чақнади чақин.
Улиб ернинг мовий баридан,
Туғён уриб, қучди юрт уфқин.

Чарақлади фаромуш дил ҳам
Эҳтироснинг шўх жарангидан.
Илк саҳарда титраган шабнам
Жило олди чақин рангидан.

Юлдуз йўлин йўқотган тунда
Яшин зулмат бағрини тилди.
Бахт ва куртак ниш урди шунда,
Саҳроларда чечаклар кулди.

Дарахт бўлмиш куртаклар бу дам,
Шохларида қушчалар бурро.
«Қуёш ва юлдуздан яралган олам»
Чақмоғини унутмас асло!

Чақмоқ бўлиб у ўтди сурон,
Юракларда беради садо!
Туйғуларин тугёни осмон,
Орзулари мовий бир наво!

1979

ОЗОДЛИК

Поль Элюарга

Коронғу кулбада
ниш урган майса,
сомондай сарғайиб,
титраб,
югуриб бормоқта
васса остидаги
туйнукка қараб...

1980

* * *

Бухорода тонг отар маҳал
Сукунатнинг бағрини тилиб
Шўх қушчалар бошлайди ғазал,
Барглар аро карашма қилиб.

Бухорода тонг отар маҳал
Лайлак билан Минори Калон
Ерга тушар аста чўзилиб.
Гумбазларни қучар ҳаяжон,
Ер билан кўк қолар узилиб.

Бухорода тонг отар маҳал,
Ер чарақлар, чарақлар осмон
Аста қаддин ростлар Минора.
Кўтарганча нурли бир тўфон,
Офтоб чалиб келар ноғора,
Бухорода тонг отар маҳал...

1979

КУКЛАМ

Кескир сўқасига ажириқ илган
Трактор ҳансираб тортади наъра.
Бўрсиллаган ерга эгилган, —
Деҳқон ҳаёлида эртаги марра.

Офтоб оғушида керганча қулоч,
Попишак овозин қумсайди тутлар.
Ҳовузларга қанот урар қалдирғоч,
Муздай парчаланар мудроқ сукутлар...

1974

* * *

АҚШ ҳокимлари янги бомбаларини сув остида
синаб, деңиз ҳаётини заҳарламоқдалар.
Газетадан

Маст бўлган туядай пишқирар уммон,
Тўлқинлар соҳилга сачратар кўпик.
Тўлқинни елкага кўтариб ҳар он,
Бир балиқ осмонга отилади тик.

Исёнкор отилар сувнинг қаъридан,
Нуқрадай товланиб минг бир тапгаси.
Осилмоқчи бўлиб уфқнинг бариға
Бўшлиқда ялтирар кумуш сийнаси.

Балиққа кенг уммон тор келди бугун,
Ўқдай сачраб кўкка отар ўзини.
Оқ уйнинг сув ости бомбаси учун
Йўқотиб қўйди у эрк ва измини..
Шу боис қалбини қон қилиб, ахир
Айланмоқ истайди ҳатто булутга.
Ҳайҳот, унга яшаш нақадар оғир,

Ифлос ва заҳарли, бузғин муҳитда!
Охири соҳилга отди ўзини,
Юракдай патиллар майсалар ичра...

1980

Қ О Р

Борлиқ оқарди, қара!
Оқ кенгликдан қамашгай кўзлар
Излар энди тирноқча қора...

1978

* * *

— Ёмғир бўлгим,
Дарё бўлгим
бор эди!

Ёмғир бўлдим,
Дарё бўлдим
Ёмғир бўлиб — суронимни,
Дарё бўлиб — бўронимни

кўрмадим...

Еронлар, яна қайтиб,
Эски қўшиғим айтиб —
Ёмғир бўлдим...
Дарё бўлдим...

1976

УТМИШ ҚУШИҒИ

Тевалар турнақатор,
Сариқ сахро қўйнида:
Кўз ёши тўкар дилдор,
Тилла маржон бўйнида:
«Қош деган қора бўлар
Қоқса юрак пора бўлар,
Икки юрак бир бўлмаса,
Қоқма қошинг, зое бўлар...»
Тевалар турнақатор,
Сариқ сахро қўйнида...

1974

* * *

Энди бирор сўз айтиб бўлмайди
Неки десам,

Ботади оғир!

Қачонлардир айтилмаган гап,
Қачонлардир ёрчлмаган дард;

Сеңи ҳам,

Мени ҳам қийнаб —

Кўксимизда занглаб ётибди...

Ахир,

Энди бирор сўз айтиб бўлмайди.

1980

* * *

Ёмғирдай шовиллаб ёғарман ҳали,
Дарё мавжларига қўшилмоқ учун!
Тўгамай умримнинг сўнгги ғазали,
Ипакдай йўлингда эшилмоқ учун!
Ёмғирдай шовиллаб ёғарман ҳали...

1978

ОНА УИ

У олис сафарга жўнади,
Сандиқдаги ҳаводай
Димиқар юраги!
Нимадир эсидан чиққандай —
Нафасдай безовта кўнгли.
Пайпаслаб кўрар:
Пулини,
Ҳужжатини...
Ҳаммаси жойида,
Аммо
Нафасдай безовта кўнгли,
Қафасдаги қушчадай
Безовта!
Томоғига тиқилар ҳасрат,
Англолмас,
бу оғриқ нима?
Қунларни санар:
Сешанба,
душанба...
жума...
Ниҳоят
Қайтди уйига.

Мана,

Қушдай енгил ташлайди қадам,

Торгина йўлаги бўйлаб!

Бу дам,

торгина уйидай,

Қўнгли хотиржам!

1980

МИНОРА

— Мени суянг,
Тариқдай кетманг тарқалиб!
Мени суянг,
Оғаяпман!
Бўлмаса,
Устингизга тушгум йиқилиб!!

1979

* * *

Остонамда йиғлайди шамол,
Беланчакдай тебранар фонус.
Бобом эккан мажнунтол
Куйлар қўмсаб баҳорни ҳануз.

Остонамда сочин тарар тун,
Юрагимдан тўкилар оҳанг,
Узоқ кеча чиқармайин ун
Тун бағрида ўртанади тонг.

1970

РАШК

Қора шолга мажнунона боқаман,
Сўник дилчи ғам ўтида ёқаман.
А. С. Пушкин

Елкадан елкага ўтади тобут,
Сўнгсиз саҳро сари юрар оломон.
Гармсел юзларга солади човут,
Осмон оташларин сочар беомон.

Халойиқ юради саҳро сари жим,
Нурли бир чехрага қора шол тортиб.
Дилда на қувончу на қайғу ҳоким,
Барини тобутга қўйгандай ортиб!

Осмон оташларин сочар беомон,
Гармсел юзларга солади човут.
Сўнгсиз саҳро сари юрар оломон,
Лопиллаб боради елкада тобут...

1975

БОҒ ДАРВОЗАСИДАГИ ЕЗУВ

Бул борнинг эгаси — Ҳожибой деҳқон:
Бир чимдим носвою, куюнчак қумғон,
Билакларда наргдек кўкимтир томир,
Шуларга дўст бўлсанг, тортинмасдан кир!

1980



Сенга келтирдим бир дона чаноқ,
Гўдакни эркалаб
Офтобга кўтарган кафт каби
Момик толаларни офтобга тутган;
Офтобининг,
Кўзларнинг,
Қўлларнинг меҳрини ичган,
бир дона чаноқ!

Олис' Бухоронинг
Туркман элига ёндош-қондош,
Қуббадай Сайёт қишлоғидан
Қуббадай чаноқ...
Унда
Туғён урар
Фаслларнинг,
Умрларнинг қаҳқаҳаси,
Орзуларнинг,
Армонларнинг фалсафаси...
Хошанг пештоқида порлаган,
Сени ширин хаёлларга чорлаган
Чироқдай порлар унда,
Юлдузларнинг табассуми,

Дарёларнинг тўлқини...

Анқир унда,

Ун тўрт яшар қизнинг

кокилин ҳиди,

Кемаларни кўтарган уммондай

Асрларнинг юкин кўтарган

киприкларнинг гарди.

Чироқдай ил уни

Хонангнинг пештоқига,

Ҳар лаҳза,

унга кўзинг тушган он

Бир боғ исириқ каби

Аритсин дардингни.

Минг балолардан асраб

У

Бир боғ ичириқ каби

Иситсин қалбингни!

Қуббадай бир чаноқ,

Сен

Остонангдан ҳатлар чоқ

Қизчангдай кулиб,

Хотинингдай кулиб,

Кузатсин сени.

Қизчангдай кулиб,

Хотинингдай кулиб,

Кутсин сени.

Қуббадай бир чаноқ,

Чақнаган чаноқлар ватани —

Ўзбекистонда!

Ҳар лаҳза
Қалбингда.
Кўзингда,
Юзингда отсин ханда;
Хаёлингдай сенга йўлдош бўлиб,
Умингдай сенга сирдош бўлиб,
отсин ханда
Қуббадай бир чаноқ,
Чақнаган чаноқлар ватани —
Ўзбекистонда!

1980

АБАДИЯТ

Қўп тикилма осмон қаърига...
Ҳали қанча қуёшли кунлар,
Ҳали қанча кўз ёшли тунлар,
Сен ва мени олар бағрига!..

1979

* * *

Яланғоч новдалар куртаклаб қолди,
Офтобдай ёзилди ошифта кўнгил,
Хаёл ҳам висолга аста қўл солди,
Ширин тушларингдан не фойда, булбул?

Ипак сочлар бармоғимга ўралган,
Ширин бўсалардан ёрилди тилим.
Ажаб: туйғуларим қайта таралган,
Сирли тушларингдан не фойда, гулим?

Хаёлим тўзғитса ҳислар нафаси,
Белимга камардир дилдаги ғужур.
Эшикда турганда толе муждаси,
Титроқ тушларингдан не фойда, умр?

1977

* * *

Сени соғиниб
Юлдуздай сочилди япроқлар,
Сени соғиниб
Юлдуздай сарғайди япроқлар,
Болалик!

1978

* * *

Офелия, севгилим, кўзларингни оч,
Алданган биз эмас, алданган улар!
Ҳеч қачон ўлмайди энг буюк ишонч,
Ҳеч қачон алданмас буюк туйғулар!

Туҳмат ва алдовнинг кўр шарпасидан
Бўғиздан тирқираб оқса ҳамки қон,
Севги ва оташнинг қаҳқаҳасида
Бизлар порлаб турган мовий бир осмон.

Севаман деб, жоним, яна шивирлай,
Кесилган бўлса ҳам майлига тилим.
Юрагимни ўртаб бир дард ғивирлар, —
Яшамоқ даркордир, яшамоқ, гулим..

1980

* * *

У бир қушча эди,

миттигина жон,

Гоҳ у шохда,

гоҳи бу шохда,

Ҳеч ким унга боқмасди ёмон,

У бировни қилмасди зада.

Ўз ишқидан ўзи бўлиб маст,

Эркин-эркин учиб еларди.

Бўлиқ бошоқларни қилиб у ҳавас,

Хирмонлар шаънига куйларди.

Бир куни ўша қушча,

ўша митти жон

Қўнгилнинг эрмаги учун,

Бир ўқ билан берди жон.

Ҳеч ким унга тутмади аза,

Ҳеч ким бунга қилмади парво.

Қуш зоти-ку кўп эрур, аммо

Ўша эркин,

ўша ҳур қушча

Энди йўқдир ёруғ дунёда.

1976

МУРОД БОБОНИНГ ХАСТАХОНАДАГИ ХАЕЛИ

Оппоқ тўшакда,
Деразага қадалган ойга боқар
Ва аста кўзларини юмар,
Қадалар кўзларига
Ой каби юмшоқ —
 қор остидаги
Димиқиб ётган далалар...
Ярим кечаси юраги куйиб,
Муздек чойни ҳўпларкан,
Милтиллар кўзларида —
Ғўзанинг оппоқ гуллари,
Ҳиллолдай кулган кўсаклар...
Тонгда,
Деразага урилган шамолдан,
Чўчиб,
 қора терга ботиб уйғонар,
Тонгдай қалтираб бадани!
Жавдирар кўзларида:
Кипригидаги ёшдай —
Чаноқларда титраган толалар...

1980

УН ТУП ҒУЗА

Қорақўл районидаги «Ўзбекистон» колхозининг
бригада бошлиғи Темур Бобожонов ҳаётидан
лавҳа

Жийда гулндай сап-сарик саҳрода,

Учиб-қўнар мовий капалак:

Майсаларга,

гулларга,

ғўзаларга...

Капалакдай учиб-қўнар

Темур Бобожоннинг хаёллари,

Бу чўлда,

Умрига тамғадай босилган лаҳзаларга.

Айни ҳамалда,

Энди қад ростлаган ғўзаларни,

Темур Бобожон умрига

чироқ бўлган ғўзаларни,

Қуюн бир хас каби кўтариб кўкка,

Бир хас каби учирар

Темур Бобожоннинг орзуларини,

Ҳар тунги ширии тушларини,

Қуюн бир хас каби учирар.

У ҳалқумига жони келган шердай

талвасада,

Гўё

Бургут чумчуқни панжасига олгандай,

Қуюнни чайир панжалари билан сиқмоқчи
бўлиб.

Югурар,

ҳайқирар

тўзоннинг гирдобиди.

Қора тўзондай қораяр чехраси,

Чақин урган дарахтдай титраб вужуди,

Ҳайқирар:

Тўхта!

Бахтимни олиб қайга қочасан,

Ризқимни олиб қайга қочасан,

Тўхта!

Қуюн тўхтамади,

тўхтади Темур Бобожон!

Гужум шохидай чайир бармоқлари билан,

Сувдан суёқ,

ўтдан иссиқ

Қумни чангаллаб

Кўкраги билан ёпти ўн туп ғўзани,

Ярадор дўстини ўқдан асраган

содиқ дўстдай,

Бемор фарзандини,

Балолардан асрамоқ истаган отадай,

Кўкраги билан ёпти ўн туп ғўзани.

Илдиз бўлиб киприклари санчилди қумга,

Юлдуз бўлиб кўзлари қадалди қумга,

Қорга беланган каби беланди қумга.

Қонга беланса ҳам,

Бунчалар оғир ботмасди унга.

...Кун оғар маҳали тўхтади қуюн,
Кун оғар маҳали тўхтади тўзон.
Кўм-кўк ғўзалар ўрнида,
Денгиз тўлқинидай тилим-тилим қум,
Чипор илондай ҳалқа-ҳалқа қум..
Елкасидан қумлар сочилиб,
Ўрнидан турди Темур Бобожон!
Қўксига бош урган ўн туп ғўзадаги,
Нуқра томчиларга боқиб,
Жилмайиб қўйди

Темур Бобожон!

Жийда гулидай сап-сариқ саҳрода.
Учиб-қўнар мовий капалак:
Майсаларга,

гулларга,

ғўзаларга.



У жуда шод эди,
Ҳар хил ташвишлардан холи.
Сочикқа тегмасдан кипригин гарди,
Лабларин куйдирмай бир пиёла чой,
Ишхонада эди хаёли.
Топганин топшириб хотин қўлига
Дерди:
«Топиш мендан, сарф қилиш сендан!»
Бўлса ҳам беш боланинг отаси,
Уйга келтирмасди бирор пайса гўшт,
Қўллари қиндаги қалдирғоч уяси —
донмо бўм-бўш!

Хотин югуриб-еларди.
Нафасдай бетиним:
«Ахир кенжасига туфли керак,
Яна бирига кўйлак,
Каттасига эса, улғайди,
пул тўплаш даркор жипдак!»
Юракдай қўним йўқ аёл зотида,
Тушларида ҳам чопар бозорма-бозор,
Парвонадай елиб орзулар қанотида.
Ҳар эрта, бирин-кетин кетишар:

Ишга,

мактабга,

боқчага,

Хувиллаб қолади ҳовли.

У яна ёлғиз,

Ювар,

сулурар.

Унга шерик бўлиб ҳиқиллар қозон,

Шу билан қораяр осмон.

Мана шундай «майда» ташвишлар,

Сомондай сарғайтирди аёл рангини.

Лабларида ҳамон ширин табассум,

Қаддини тиклаб турар тотли бир умид:

«Улар улғаяр,

ҳаммаси бўлади унут!»

Чидамнинг ҳам бордир охири,

Бардош ҳам бир куни букилар,

Таранг тортилган камон

ширт этиб узилар.

Аёлнинг сочларига тушмай оқ,

Оёғидан кетди дармон...

Энди топиш ҳам, сарфлаш ҳам

эрнинг бошида,

Бирин топса, бири йўқ,

Гоҳ қозон тагида ўчиб қолар чўғ.

Ишда ҳам минг бир хаёл унинг бошида,

«Қаттаси мактабдан келдимиз?

Кичиги боқчадан?!

Очиқмикан «Болалар дунёси»,

Ахир, сумка келтиринг деганди

қизалоғи Лоласи...»

Қора ёғ бармоғи билан

пешонани ишқар,

Ажин устидаги қора доғдан,

шериклари пиқиллаб кулар.

Бемор аёл тўшакда,

Сомондай сарғайиб юзи.

Эрига ачиниб пиқиллаб йиғлар,

Гўё ҳаммасига айбдордай ўзи!

1979

УМР ҲАҚИДА БАЛЛАДА

Чори чолнинг бир қўшиғи бор
Тонгда гавронини қўлига олиб,
Олиб дарвозанинг тамбасин,
Кумуш уфқларга қараб шивирлар:
«Қўнғлимни тўйгазу ерга қўй мени...»

Чори чолнинг бир қўшиғи бор,
Шомда чакмонини қўлига олиб,
Олиб дарвозанинг тамбасин,
Кулранг бўшлиқларга қараб шивирлар:
«Қўнғлимни тўйгазу ерга қўй мени...»

Чори чолнинг бир қўшиғи бор...

1979

* * *

Парёстиққа қўйиб бошини,
Уйлар эди ўн тўрт ёшини...

«Ой деса, ойдек эдим,
Қошлари ёйдек эдим,
Очилмаган ғунчадай
Мен ҳали мурғак эдим.

Шўх йигит қўлим ушлаб,
Қўзларимга боқмаган.
Бул умид кўзим ёшлаб,
Хаёлимдан оқмаган.

Тўқиган рўмолчамнинг
Эгасини билмасман.
Сочларимни майдалаб,
Кўз-кўз қилиб ўрмасман.

Кўнглим ҳали очилмай,
Кўкка булут осилди,
Уруш бошланди, нетай,
Дарё бели босилди...

Ҳамқишлоқ йигитларнинг,
Қўпчилиги қайтмади.
Қайтгани ҳам не қилай,
Юрак сирин айтмади.

Остонамга ой келиб,
Қошгинамга ботарди.
Тушларимда ёр бўлиб,
Кимдир мен-ла ётарди.

Тамшанганча лабларим,
Мен кимнидир кутаман.
Туғилмаган боламни
Хаёлимда ўпаман...

Сонларимга оқ тушиб,
Қучганим шу парёстиқ!
Қўкрагим келса тошиб,
Кимга қилайин тортиқ?!

Шамол, бир дам эсмай тур.
Олма гулин тўкмасин.
Оҳ, пешонам бунча шўр —
Толма белим букмасин.

Қирғин уруш бўлмаса,
Кимдир менга ёр эди.
Зор бўлмасдим нафасга,
Суянчийғим бор эди.

Ой бўлсам ҳам, энди мен
Чимираман қошимни.
Ахир, беланчак эрмас:
Тебратаман бошимни!»

Парёстиққа қўйиб бошини,
Ўйлайди у ўн тўрт ёшини...

1980

СОДДА ДЕҲҚОН САРГУЗАШТИ

(Отам Рўзи Жўранинг айтган термаларидан
эсимда қолганлари)

Ой остида кулиб оққанлар,
Кун остида кулиб боққанлар.
Кун ва ойни ёстиқлар айлаб,
Тушларида ўтлар ёққанлар?!

Шафтолининг шохи қайрилди,
Шохлар мевасидан айрилди.
Туйғулардан тугулган кўнглим;
Бўлиқ бошоқ каби сайрилди.

Юрагимдан ҳислар қуйилиб,
Хотирамдан кечар лаҳзалар.
Хаёлларим кўкка урилиб,
Кўкдан яна ерга кўчарлар...

Мен ҳам кенжа деҳқон шоирман,
Ой нурида ўроқ чархлагим!
Хаёлларим қилолмайин жам, —
Парча-парча қилиб тахтладим.

I

Букри толнинг тагида,
Қўрир эдим жўхори.

Жўхорининг рангидай
Осмон эди зангори.

Бунчалар баланд осмон,
Отган тошим етмайди.
Жонга тегди палахмон,
Чумчуқлар ҳеч кетмайди.

Чиқ этган чумчуқ,
Чуғурламай қол!
Очофат тумшуқ,
Кўзимдан йўқол!

II

Уқ-ёй каби эгилиб,
Дўқиллаб ҳассаси,
Бувим келар букилиб,
Ерни елиб нафаси:

— «Қиё-қиё юринглар,
Қийилиб қолсин пояси.
Тўқраб-тўқраб юринглар,
Тўқсон қоп чиқсин донаси...»

III

Қорайганда офтобнинг юзи
Ушлар эдим мен қора қўнғиз.

Чангга ботиб яланғоч тизим,
Қўш ҳайдардим—қўнғизлар ҳўкиз:

— Ерни ёради омон,
Чу!
Ишсиз қаерда қумон,
Чу!

IV

Йўлга туташ пахса деворга
Илдиз отар ҳар йили янтоқ.
Суви лойқа катта анҳорга
Тенгдошлар ташлаймиз қармоқ:

— Тилла балиқ, тилла балиқ,
Қармоғимга илин-илин!
Бизни урди Шоди сариқ,
Синдириб бергин қўлин...

V

Кўча-кўйни чангитиб
Югурардик-елардик.
Катталарни гангитиб
Қизик ишлар қилардик:

— Чори чолнинг қовунлари,
Каштадай отибди тўр!

Мева тўла дастурхон,
Ҳаддинг бўлса олиб кўр!

VI

Ҳар ҳафтада бир бориб,
Қойил қилдим ўқишни!
Бувижоним ёлвориб,
Ойим қўймас қарғишни:

— Отасидай бўйи сўрриқ,
Отасидай хўп латта!
Тариқ эккан олар тариқ,
Булар бунча карахт, а?

VII

Мўйловим сабза урмай,
Бир дард тушди бошимга:
Мендан бирор сўз сўрмай,
Бир қиз кирар тушимга:

— Мен ёримни топганда,
Ой ўроғин йўқотди.
Олам қалқиб осмонда,
Кипригимни тебратди.

VIII

Ул қошини қоққан кун,
Мен йўлимни йўқотдим.

Мижжа қоқмай узун тун,
Райҳондек терга ботдим:

— Ер қайрилма қошингдай,
Майли энди, қайрилай.
Айланмаган бошингнинг
Атрофидан айланай..

IX

Ариқ оқар чорбоққа,
Мен интизор қарайман.
Кўксим очиб чақмоққа,
Отим ёлин тарайман:

— Райҳон шона қилибди,
Ҳиди келар димоққа.
Нетай, меҳрим тушибди,
Кулги келган чорбоққа.

X

Қўшиқ айтар жилға ёқимтой,
Шерик бўлиб менинг ишқимга
Сув юзида ғамгин боқар ой,
Билмайманки, интизор кимга?

— Юлдуз бўлиб, жонгинам,
Остонамда сўнолсам!
Кундуз бўлиб, жонгинам,
Холгинангга қўнолсам!

XI

Мен интизор, ул пари
Пир-пир учиб лаблари
Пичан ўрар ёлма-ён,
Қўксим ёқиб гаплари:

— Сочларим толим-толим,
Сўрмайсиз мешинг ҳолим!
Сиздан сўз кута-кута,
Сарғайди қора холим.

XII

Оҳ, қизгина-қизгина,
Бер, ўроғинг чархлайин.
Ором олинг озгина,
Ўримингни тахтлайин.

— Эҳ, йигитча-йигитча,
Ўроғимки, чархланган.
Кечикдингиз-да пича,
Ўримин ҳам тахтланган..

XIII

Қизлар пичан ўришар
Пичирлашиб-кулишиб.

Гоҳ пешонам тиришар
Қўлимни олсам кссиб:

— Қўлимни борлай олсанг,
Кўнғлимни овлай олсанг,
Пичанзорда, ёр-ёр,
Пичанзорда, ёр-ёр...

XIV

Ўзим билмай кунма-кун,
Чўзиларди бўйим ҳам.
От йилининг ёзида
Бўлиб ўтди тўйим ҳам:

— Зомича думча бериб,
Қовун пишди, ёр-ёр!
Бизнинг Сайёт қишлоққа
Келин тушди, ёр-ёр!

XV

Шамоллар сочим тўзғитар,
Тўзғитади ҳислар хаёлим.
Шайдолигим шундайин ўтар,
Қўйнимдадир соҳибжамолим:

— Парёстиқда ётибсиз,
Унга гулдай ботибсиз.

Совға қилган мунчоғим
Бўйнингизга тақибсиз!

XVI

Шўхликларим анча босилди,
Тегирмондан қайтаман чарчаб.
Қора пўчоқ шипга осилди,
Утин ёргум, ҳар кун эрталаб.

— Рўзгор деган ғор экан,
Доим камии бор экан,
Чимдимгина уйқуга
Уйланганлар зор экан.

XVII

Бир тегирмон сув оқар
Ойи кунни бўлаклаб.
Гулдираса тегирмон
Ун тўкилар элаклаб:

— Дўлдан гар дон тўкилса,
Ҳампадан ун оқади.
Фақат белни букканлар
Тандирга ўт ёқади...

XVIII

Не савдо бор бошимда,
Буни қайдан билайин.

Айни йигит ёшимда
Ялтиллади манглайим.

Тегирмон қолиб, дўстлар,
Ҳайдайман энди жувоз.
Зиғир сғининг зўридан
Рангим ҳам мисли хўроз.

Энови бор одамдай,
Уқ чайқалар тинмайин.
Бағри ўйиқ ғўладан
Хўп эзғилай танглайин.

— Тор хонада ғир-ғир,
Айланар қари айғир.
Бағри ўйиқ ғўланинг.
Еғ томади шир-шир...

XIX

Бу шундайин дунё экан,
Хотин қурғур уяр қовоқ;
Уйда доим бир нарса кам
Етишмайди энди товоқ:

— Бола-чақа чуғирлаб,
Қўлтиғингга тиқилар.
Қорайиб кетган капғир
Кенг қозонда тиқиллар...

XX

Чарчаб қайтсанг даладан,
Уйда ҳам ҳеч ором йўқ.
Дўппим олмай калладан,
Ойимчамиз қилар дўқ:

— Кўрпа ўтда ўтлаб
Дамлапти сигир.
Орқасидан муштлаб
Югур-да, югур!

XXI

Яратганга минг бор шукур,
Қолдирмади мени пиёда —
От берди тулпордай учқур,
Араваси фойтундан зиёда.

Эртаю кеч ташийман ўғит,
Ҳосилимиз бўлар яна мўл!
Чу, десам бир ёғи Яккатут,
Бир ёғида турар Қоракўл!

— «Ғиркўккинам куйма туёқ,
Чопар пойга билан улоқ,
Емлар берай товоқ-товоқ,
Чу, тулпорим — Ғиркўккинам!»

XXII

Баланд-баланд уйларнинг.
Бўлмагандай болори —
Жилови йўқ кўнглимининг
Улоқ эрур хумори:

Эртага катта улоқ,
Янгилай от жиловин.
Диккайиб турса қулоқ,
Эшитар ҳали буёғин...

XXIII

Кекса деҳқон Рўзи Жўранинг улоқдаги
ҳолатини дўстлари шундай таърифлайди:

Тонг ҳам отди,
Ялангликда отлар кишнар,
Майдон аро Рўзи Жўра қамчи тишлар.
Ерни ёрар тулпорларнинг туёғи,
Қаранг, дўстлар, бу ўзбекнинг улоғи.

Тулпорларнинг туёғидан учқун сачрар,
Қари Ғиркўк нафасидан хазон учар...
Эҳ, аттанг-а, тез қоқилар оёғи,
Сувга тушган тош каби

қумга чўкар туёғи.

Телпагини босиб олиб Рўзи тушмагур,
Жаҳл билан от сағрига урар муҳр:
«Қари айғир қарилигин қилди-да, эҳ,
Ёш-яланглар мenden роса кулди-да, эҳ...»

Кун ҳам ботар,
 чанандозлар тарқар аста.
Бу улоқдан Рўзи қайтар дили хаста.
Маъюсгина кириб келар уйига у,
Шу кунданоқ янги улоқ ўйида у.
Ечар экан хром этигин
Шундай дер кўнглин кўтариб хотинин:
Келаси йил яна тўй қилайлик зўр,
Рўзи улоқ чопганини ўшанда кўр...

1975—1980

* * *

Шовиллаган бу дунё аро,
Ҳисларимга излайман макон.
Орзулардан яратдим дарё,
Гирдобида бўлдим сўнг гирён.

Хаёлларнинг ширин жаранги,
Тўлқинларнинг қўйнига отди.
Келажакнинг нопармон ранги,
Кипригимда тонгни уйғотди.

Ҳансираган у дардли тўлқин,
Тиқилибдир бугун бўғзимга!
Нари суриб осмоннинг уфқин,
Манзил қурмоқ бўлдим ўанмга.

Шовиллаган бу дунё аро,
Ҳисларимга излайман макон!

1979

* * *

Чаноққа сиймаган пахтадай путраб,
Ўзинг тошиб кетдинг бағримдан.
Бўшаб қолган чаноқдай титраб..
Сени қўмсаб турибман бу дам.

Қимнинг осмонида кезиб юрибсан,
Ширин ҳисларимнинг ўтли шарпаси?!
Кел, эй! Умрим, муборак бўлсин,
«Райхон»ли «Олам остонаси»даги
«Юлдузлар табассуми».

1980

МУНДАРИЖА

*«Дунёнинг деразаси очиқ»	3
*«Қизил гўлдай...»	4
*Тенгдошларимга	6
*Сахийлик	7
Севинч	8
*Саратон	9
*Ёз кечаси	10
Пишиқчилик	11
*«Бу кеч, ойжамол...»	13
*Наво	15
*«Келганида...»	16
*«Ёмғир зам...»	17
*«Кўм-кўк...»	18
*Юрак	19
Сурат	21
*Висол	23
*Ёмғир	24
*«Балки...»	25
*Барчинининг қўшиғи	26
*«Шукур Бурҳоннинг»	27
*Деҳдон қўшиғи	28
*«Кўзларимнинг...»	29

*«Чақин урган...»	30
*«Ўттиз беш...»	31
*Тўлқин	32
*«Соғиниб яшадим...»	33
*Тонг	34
*Марсдан келган одам (Ф. Ҳ. Доғларжадан)	35
*Умид. (М. Маргаряндан)	38
*Умар Хайём	39
Машраб	40
*Нозим Ҳикмат сўзи	41
*Яннис Ридоснинг қамоқдаги хаёли. 1968	42
*Ҳамид Олимжон	43
*Озодлик	45
*«Бухорода...»	46
*Кўклам	47
*«Маст бўлган»	48
*Қор	49
*«Емғир бўлгим...»	50
*Ўтмиш қўшиғи	51
*«Энди бирор сўз...»	52
*«Емғирдай...»	53
*Она уй	54
*Минора	56
*«Остонамда...»	57
*Рашк	58
*Боғ дарвозасидаги ёзув	59
*«Сенга келтирдим...»	60
*Абадият	63
*«Яланғоч новдалар...»	64
*«Сени соғиниб...»	65

*«Офелия, севгилим...»		66
*«У бир қушча эди...»		67
*Мурод бобонинг хастахонадаги хаёли		68
*Ун туп ғўза		69
*«У жуда шод эди»		72
*Умр ҳақида баллада		75
*«Парёстиққа қўйиб...»		76
*Содда деҳқон саргузашти		79
*«Шовиллаган бу дунё...»		91
*«Чаноққа сирмаган...»		92

На ўзбекском языке

Тилак Джура

Улыбка звёзд

Стихи

Редактор Мирзиз Абзам
Рассом А. Тошмухаммедов
Расилар редактори А. Бобров
Техн. редактор М. Исмилова
Корректор М. Абдулсаломова
ИБ № 1358

Босмахонага берилди 10.02.81. Босишга рухсат этилди 9.06.81.
Р 15471. Формати 60x90 1/32. Босмахона қоғози № 3. Адабий
гарнитур. Юқори босма. Шартли босма л. 3,0. Нашр л. 2,07.
Тиражи 10000. Заказ № 14. Баҳоси 25 т. Рафур Гулом ном-
аги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129, Тошкент. Навоий
кучаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси
ишлари Давлат Комитетининг Бекобод шаҳар босмахонаси,
Бекобод, 1981 й.